Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

# *60230100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

ЎзР ОЎМТВ
Буйрук № 233
«19» 07 2022 йил

Сканировано с CamScanner

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Самарқанд давлат университети.

**ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил «7» 07 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил «19» 07 даги 233 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим Давлат таълим стандарти, Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.



Сканировано с CamScanner

# МУНДАРИЖА

Т/р бет

1. *6020100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи ........ 4

1.1. Қўлланиш соҳаси ........ 4

1.1.1. *60230100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши........ 4

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари........ 4

1.2. *60230100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ........ 4

1.2.1. *60230100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари........ 4

1.2.2. *60230100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари........ 4

1.2.3. *60230100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари........ 5

1.2.4. *60230100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари........ 5

2. *60230100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар........ 6

2.1. Умумий компетенциялар........ 6

2.2. Касбий компетенциялар........ 6

Библиографик маълумотлар........ 8

*Келешув вараги*........

Сканировано с CamScanner

## 1. *60230100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

***60230100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Таълим шакли бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

**1.1. Қўлланиш соҳаси.**

**1.1.1. *60230100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби *60230100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. *60230100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

**1.2.1. *60230100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***60230100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)*** – гуманитар соҳасидаги йўналиш бўлиб, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ихтисослигига доир фанлар билан бир қаторда шарқ ва ғарб тилларини ўқитиш; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш; давлат ташкилотлари ва давлатга қарашли бўлмаган хусусий ташкилотлар, жумладан туризм билан боғлиқ муассасаларда шарқ ва ғарб тилларидан таржимонлик қилиш; умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, умумий ўрта, ўрта махсус касбий таълимнинг давлат ва нодавлат муассасаларида ихтисослиги билан боғлиқ комплекс масалаларни ечиш кабиларни қамраб олади.

**1.2.2. *60230100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- тожик тилнинг назарий ва амалий асослари, луғат бойлиги, мазкур тилда илмий, бадиий адабиёт ҳамда қўлёзмаларни ўқиш ва талқин қилиш;
- ўрганилаётган тилда оғзаки нутқ малакасини орттириш;



Сканировано с CamScanner

- ўрганилаётган тилда оғзаки нутқ малакасини орттириш; умумий тилшуносликнинг назарий масалалари; ўрганилаётган асосий адабиёт, унинг тарихи, назарий масалалари; адабий алоқалар, адабиётшунослик;

- таржима назарияси ва амалиёти, матн таржимаси, синхрон таржима масалалари;

- ўрганилаётган тил методикаси, дарс бериш маҳорати, нутқ маданияти тамойиллари кабилардан иборат.

**- 1.2.3. *60230100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- илмий-тадқиқот;
- маънавий маърифий фаолият
- педагогик (умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида)
- ташкилий-бошқарув фаолият;

**1.2.4. *60230100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

*60230100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- филология соҳасида илмий текшириш институтларида кичик илмий ходим, тадқиқотчи-изланувчи сифатида намунавий усуллар ва бошқалар бўйича экспериментлар ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;

- илмий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;

- ўтказилаётган тадқиқотлар бўйича илмий обзорлар яратиш, рефератлар ва библиографиялар тузиш;

- илмий семинарлар, илмий конференциялар ишида маърузачи, муҳокамаларда қатнашувчи ва референт сифатида иштирок этиш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

**Маънавий-маърифий фаолиятида:**

-Ёшлар иттифоқи, маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда маънавий-маърифий масалалар бўйича индивидуал суҳбатлар ўтказиш;

Ўзбекистон ва жаҳон тарихида оид манбалардан илмий, маънавий-марифий соҳада фойдаланишни ташкиллаштириш;

Умуминсоний қадриятлар, меҳр мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш.

**Педагогик фаолиятида (умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида):**

–умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари ҳамда ўрганилган шарқ ва ғарб тилларидан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

–ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

–ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини



Сканировано с CamScanner

мунтазам такомиллаштириб бориш.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- мумтоз меросни ўрганиш ва оммалаштиришга оид турли тадбир, анжуман ва маърифий суҳбатларни ташкиллаштириш ва бошқариш;
- АРМда ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мониторинги ҳамда сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алохида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;
- бирламчи ишлаб чиқарувчи бўғин ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш;
- ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш.
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш.

Қуйидаги бакалавр даражаси квалификатсияси берилади:

-Филолог, тожик тили ва адабиёти ўқитувчиси

## 2. *60230100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, гуманитар фанлар асоси, филологик масалалар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

**2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- тожик тилнинг ёзма, адабий ва оғзаки шаклларини; тилнинг илмий тавсифи, ёзув,



Сканировано с CamScanner

график хусусиятлари, орфографияси, пунктуацияси, лексик-грамматик хусусиятлари, сўз ясалиши ва унинг тузилиши, бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш қонуниятларини; содда ва қўшма гаплар, сўз бирикмалари, лексика ва ёзма нутқ, диалектик лексиканинг асосий хусусиятларини; илмий атамалар тизими, лингвистика ва адабиётшуносликка оид маълумотлар базасини шакллантириш ва улардан фойдаланишни билиш;

- тожик тилдаги адабий матнларни ўқитиш олиб борилаётган тилга таржима қила олиши; чет эллик мутахассислар билан муайян соҳада ва умумий масалаларда тўлақонли жонли мулоқот олиб бориши; ҳар турли ва мураккаб матнларни ўқитиш олиб борилаётган тилдан тожик тилнинг ҳозирги адабий шаклига ёзма таржима ишларини амалга оширишни билиш;

- тожик тилидан давлат тили ва бошқа ўқитилаётган тилларга суҳбат, нутқ ва маърузаларни оғзаки изчил ва синхрон таржима қила олиши; давлат тили ва ўқитиш олиб борилаётган тилдаги маълумотларни қўллаб аннотация, реферат, маълумотлар тўплаши ва тузишни билиши;

- таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг истиқбол режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- тожик адабиётининг жаҳон адабиётидаги ўрни ва унинг башарият тараққиётидаги улушини аниқлаши; жаҳон адабиёти анъаналаридан шарқ адабиётининг миллий хусусиятларини ажрата олиши; шарқ мамлакатларида адабий таъсир масалаларини фарқлаши, уларнинг асосий метод ва усулларини қўллай билиши;

- ўрганилаётган тилнинг мамлакат тарихи, географияси, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тизими, халқаро муносабатлари, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги геополитик ўрнини билиши;

- тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

- таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

- умумкасбий ва ихтисослик фанларининг ўрганиш объектлари, предмет, мақсад ва вазифалари, ҳодиса ва жараёнларни билиши ва улардан илмий тадқиқотларда унумли фойдаланиши ва қўшимча равишда чуқур билим олиш уқувига эга бўлиш;

- меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши ва шакллантиришни билиш;

- таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлаши ва кўникмаларига эга бўлиши;

- касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаш кўникмаларига эга бўлиш.



Сканировано с CamScanner

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўкув цикли, тожик тил, тилнинг фонетик тизими, ёзув ва товуш муносабатлари; фонетик ҳодисалар; орфоэпия; орфография; имло хусусиятлари, пунктуация; транскрипция, транслитерация; тилнинг луғат таркиби, ўз ва ўзлашган қатлам; сўз ва унинг маъноси; тилда кўп маънолилик ҳодисаси, полисемантизм; сўз маъносининг торайиши ва кенгайиши; метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик; синонимия, омонимия, антонимия ҳодисалари; морфемика, тилнинг морфологик қурилиши; сўз ясалиши; сўз туркумлари; грамматик категориялар; тилнинг синтактик қурилиши; сўз бирикмаси, эркин ва турғун сўз бирикмалари, фразеологизм, синтагмалар; гап қурилиши, гап бўлаклари; гап турлари, содда ва қўшма гаплар; кўчирма ва ўзлаштирма гаплар; тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар; стилистика, оғзаки ва ёзма нутқ; функционал услублар; нутқ маданияти; ёзма ва оғзаки нутқ; сўз бойлиги; публицистика, бадиий адабиёт, поэтика; шеър семантикаси, матн таржимаси, матн талқини; расмий хужжатлар услуби; бадиий услуб; бадиий асар; адабий тур ва жанрлар; қофия, радиф, вазн, бадиий санъатлар; адабий жараён; миллий адабиёт, ижодкор индивидуаллиги, адабий-ижодий новаторлик; адабий оқимлар; адабий матн; адабиёт тарихи; адабиёт тарихини даврлаштириш; адабиёт намояндалари; тарихий-адабий асар; методика, педагогик технологиялар, педагогика назарияси, педагогика тарихи, педагогик маҳорат, умумий психология, ёш ва педагогик психология.



Сканировано с CamScanner

**КЕЛЕШУВ ВАРАҒИ**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети**

Ректор_____________ **Р.И.Халмурадов**

202_ йил «_____» ______________

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Олий таълимини
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор_______________ **Ш.Якубов**

2022 йил «19» 07

М.Ў.

Тошкент давлат Шарқшунослик
университети

Ректор_____________ **Г.Ш.Рихсиева**

202_ йил «_____» _________

М.Ў.



Сканировано с CamScanner